

СТИВЕН КИНГНИНГ “ҮЛИК МИНТАҚА” (“THE DEAD ZONE”) АСАРИДА ҲАҚҚОНИЙЛИК ВА ҲАҚИҚАТ

З.Х.Усмонова

Бухдұ У инглиз тилшүнослиги үқитувчиси

E-mail: zarin_1908@mail.ru

төл: 91-24212 21

Abstract:

Stephen King's "Dead Zone" is enriched with humanistic ideas, in which the author works not on the basis of rumors and speculation in society, but on the basis of scientifically based facts, which allows him to take his work seriously. This article is about portraying the ideas of goodness and humanity expressed in the play, and about the features of these ideas when creating a fantastic work.

Key words:

Good, evil, lies, truth, heroism, savior, humiliation, struggle, truth, time.

Замонавий муносабатлар тизимини идрок этишда инсон шахсининг бугуни ва эртаси муаммоси асосий, ва ҳатто ҳал қилювчи роль ўйнайды. ғарб фалсафасида бу муаммо бош мавзуга айланған. Ўтган асрнинг бошидаёқ бу муаммо адабиётта ҳам кириб келди ва унинг асрнинг иккинчи ярмидаги кўринишини белгилаб берди. Адиблар асосан инсоннинг жадал суръатлар билан ўзгариб бораётган дунёдаги ўрни ҳакида, ахлоқий муаммолар ҳакида, ҳамда замонавий воқелиқдаги Эзгулик ва Ёвузлик муаммолари ҳакида бош қотира бошладилар. Стивен Кинг ҳам бундан истисно эмас.

Стивен Кингнинг «The Dead Zone» («Мертвая Зона», 1979) романы том маънода адебнинг энг яхши асари ҳисобланади. Романда телепатия ва башоратчилик қобилиятига эга бўлган оддий америкалик зиёли Жон Смит ҳакида хикоя қилинади. Жон болалик пайтида муз устида учәётиб йиқилиб тушади ва боши лат ейди, бироқ у тезда оёққа туради. Болаликнинг барча касалликлари унтиб юборилганидек, тез ўтмай бу ҳодиса ҳам ёддан чиқади. Бироқ орадан қўп ўтмай Жони ўзида ғаройиб хусусиятни кашф этади – у ўз қаршисида турган одамга қараб, келажакда унинг бошига қандай воқеалар тушишини кўз олдига келтира оларди. Бироқ унинг бу ҳислатига ҳам ҳеч ким эътибор бермади. Орадан йиллар ўтиб кичкинтой Жони балоғатга етади, қувноқ ва вазмин үқитувчи бўлиб этишади:

«He was a tall man who had a tendency to slouch, and kids called him Frankenstein. Johnny seemed to be amused rather than outraged by this. And yet his classes were mostly quiet and well – behaved, there were few skippers ... He was the sort of teacher who, in another ten years, would have the school year book dedicated to him»¹

– Он был высокого роста и немного сутуился, за что дети прозвали его Франкенштейном. Правда, он был скорее этим доволен, нежели раздосадован. На его уроках царила тишина и покой, прогульщиков мало... Он был одним из тех учителей, которым через десяток лет посвящают школьные ежегодники.²

Ташқаридан қараганда Жони ҳаётидан нолимаса бўларди. У Сейра Крэкнел исмли кизни севиб қолади. Сейра ҳам унга бефарқ қарамайди. Бироқ тақдир Жонининг бошига яна бир кулфат ёғдиради: Сейра билан учрашувдан қайтаётган пайтида уни машина уриб кетади.

¹ S.King. The Dead Zone. New York City.1990. p.25.

² С.Кинг. Мертвая зона. М., 1990, с.30.

Уни бош суяги синган ва хүшсиз ҳолда минтақавий тиббиёт марказига олиб келишади ва Жони у ерда хушига келмай түрт йил қолиб кетади. Бу вакт орасида ҳатто унинг ота-онаси ҳам соғайишидан умидларини узишади. Врачлар ҳам энди ҳеч қандай умид йўклигига амин бўлишганида мўжиза рўй беради: Жони ўзига келиб, ҳаётга қайтади.

Ранги докадай оқарган, кўп изтироб чеккан, бироқ эс-хушини йўқотмаган Жони ўзида башоратчилик ҳислати пайдо бўлганини сезиб қолади. Унга ҳар сафар бирор киши қўлини урса ёки тегиб кетса, башоратчилиги бошланиб кетади ва кўз ўнгидаги ўша инсоннинг келажаги намоён бўлади. Жумладан, у ўзининг даволовчи врачи Сэм Вейзакка у бундан ўттиз йил илгари Иккинчи жаҳон уруши пайтида йўқотиб қўйган онасини топиб беради:

«He looked at Weizak. Your mother is alive... When the war was over she left for Switzerland and married a Swiss engineer his name was Helmut Borentz. She and Helmut Borentz had four children, Johnny said in the same calm, washed – out voice. Her life took her all over the world... One of the children they had is dead. The other are alive and fine. But she dreams of you sometimes...».¹

– Джони поднял глаза на Вейзака. Ваша мать жива... Когда закончилась война, она уехала в Швейцарию и вышла замуж за швейцарского инженера, его звали Хэлмут Боренц. У нее и у Хэлмута Боренца родилось четверо детей. – Джони говорил все тем же тихим и слабым голосом. – Жизнь бросала ее в разные концы света... Один из детей погиб. Остальные живы и здоровы. Но время от времени она грезит вами...²

Жонининг бу ғайриоддий ҳислати унинг бошига қатор кунгилсизликлар келтиради. Одамларнинг кўзига у ёлгончи ва муттаҳам бўлиб кўринади ва шу сабабли ҳам «жамоатчилик фикри»дан қўрқсан мактаб маъмурияти у билан хайрлашади. Шундан сўнг Жонига тури нашриётлардан кўплаб қизиқарли таклифлар бўлади, бироқ у бу таклифларнинг бирортасини ҳам қабул қилмайди. У фирибгар нашриётлар қўлида ўйинчоқ бўлишни истамайди. Шу сабабли ҳам у Inside View журналининг муҳаррири Ричард Дисга қўпол жавоб беради:

«You asked me what I thought” Johnny said. “I’ll tell you. I think you are a ghoul. A grave robber of people’s dreams. I think you’re someone ought to put you to work at Roto-Rooter. I think your mother should have died of cancer the day after she conceived you. If there is a hell, I hope you burn there.”¹

«-Ты спрашиваешь, что я думаю – сказал Джони. Я скажу тебе. Я думаю, что ты вампир. Ты пожираешь человеческие надежды. Тебе бы работать на кладбище. Я думаю, твоей матери следовало бы умереть от рака на следующий же день, после того как она тебя зачла. Если есть ад, надеюсь, ты в нем сгоришь.»²

Жони ҳамманинг эътиборини ўзига қаратишни хоҳламайди. Унга «ҳориган ва умидсизликка тушган америка ҳалқини сахродан олиб чиқсан пайғамбар» шухрати керак эмас. У шухратга интилмайди ва ўзининг ғайрихтиёрий равишда рўй берадиган башоратчилигини сотиб, кун кўришни хоҳламайди. Унинг яккаю ягона орузи ҳамма бўлиб ўтган вокани унутиб, уни тинч қўйса бас. У эл қатори ҳаёт кечиришни ва севимли касби билан шугулланишни истайди.

У ўзининг 1975 йил 27 декабрида Сейрага битган мактубида қуйидагиларни ёзади:

«Well, I don’t want to sound gloomy, it ain’t that bad. But I don’t want to be a practicing psychic, I don’t want to go on tour or appear on TV... What I am really looking forward to is getting to Cleav’s Mills and sinking into utter obscurity of the H.S.English teacher. And save my psychic flashes for football pep rallies».³

¹ S.King. The Dead Zone. New York. p.110.

² С.Кинг. Мертвая зона. М., 1990, с.118.

¹ S.King. The Dead Zone. New York.1990. p.135.

² С.Кинг. Мертвая зона. М., 1990, с.143.

³ S.King. The Dead Zone, p.210.

– «Пойми меня правильно, я не собираюсь сгущать краски. Просто мне не хочется быть практикующим экстрасенсом, ездить с лекциями и маячить на телеэкране... Мне бы вернуться в Кливс Милс, учителем старших классов и жить бы себе в своей норке. И приберечь свои озарения для футбольных баталий».⁴

Жони Смит Эзгулик, Ҳалоллик ва Софдиллик тимсолидир. Энг аввало Жони – Инсонпарвар, том маънода гуманист. Жони Симтнинг гуманизми ва хокисорлиги шу даражадаки уни фақат Инжилдаги Ҳалоскор билан таққослаш мумкин. Чиндан ҳам Жонининг онаси Вера Смит ўғлига мурожаат қилиб, уни Ҳалоскор деб атайди:

«It's the power the God working in you,' she said. It's a great responsibility, Johnny. A great trust. You must be worthy... Savior!»¹

–«Ты наделан божественной силой, - говорила она. Это большая ответственность, Джони. Большое доверие. Ты должен быть его достоин... Спаситель!»²

Жонининг отаси Герберт Смит Исо пайғамбарнинг отасидек дурадгор эди. Инсоният ҳалоскори Жони Смит инжилдаги Исо каби Эзгулик, Инсонпарварлик ва Одамийлик тимсолидир. Жони ўз башоратчилигидан жамиятга наф келтириш учун фойдаланади: у Карсел-Рок шаҳарчаси аҳолисини даҳшатга солиб, кетма-кет аёлларнинг номусига тегиб, сўнг ўлдириб юрган ашаддий жиноятчи – манъякни хатосиз топади. Бу ишни у изқуварлар каби эмас, балки башорат орқали амалга оширади. У шу йўл билан бир қатор қотилларни очиб ташлайди ва шундан сўнг газеталарда қуидаги келтириладиган мисолдаги каби жарангдор сарлавҳали мақолалар пайдо бўлади: «MAINE PSYCHIC DIRECTS SHERIFF TO KILLER DEPUTY'S HOME AFTER VISITING SCENE OF THE CRIME». *From the New York Times, December 19, 1975.*³

Жонининг одамларга ёрдам бериш хоҳишида унинг инсонпарварлиги, атрофдагиларга муҳаббати, ўз шахсий манфаатлари учун эмас, балки Эзгулик учун яхшилик қилишга интилиши намоён бўлади. Бу ходисалардан кейин Смит башоратчилик чўққисига эришади. Энди унга ҳеч ким – кўз ўнгларида рўй бераётган воқеаларга ишонишни хоҳламай ва Жонидек ёш муаллимга ҳамон душманларча муносабатда бўлаётган маҳаллий бойваччалар ҳам таҳдид сола олмас эди. Уларнинг бу ишончсизлигининг боиси Жони ўзларига ўҳшамаслигидадир. У ўзининг экстрасенсор қобилияти билан ўзгалардан ажралиб туради. Ўз ташвишлари билан бўлган атрофдаги одамлар ўзларига ўҳшамаган инсондан қутилишга интилади ва бу билан қаҳрамонни ёлғизликка маҳкум қиласди. Жон Смитни оиаласидагилар тушунмайди, жамиятда ҳам у ёлғиз ва агрессив. Зўрлар ва зари борлар хақ ҳисобланган ва зўравонлик хукм сурган олам унга ёт, бегона. Зўравонлик ва жиноятчилик тобора замон иллатига айланиб бораётган бир пайтда, ўз қаҳрамонларига «иккинчи нигоҳ» ато этган Кингнинг ўзи ҳам шу нигоҳ билан жамиятга боқади, унинг китоблари эса инсоният англашетиши лозим бўлган ана шу таҳдидга тўла.

Адибнинг бу романини таҳлил қилган танқидчиларнинг асосли таъкидлашларича, «Ўлик минтақа»нинг муаллифи Жон Смитнинг «иккинчи нигоҳи»ни физиология ва биоэнергетиканинг энг янги ютуқларига таянган ҳолда асослаб берган. Парапсихологиянинг умумий тушунчасига кирувчи биофизик ходисалар бизнинг замонамиизда илмий тафаккур даражасида қабул қилиниши лозим ва қабул килинмоқда ҳам.

Муаллиф жамиятдаги миш-мишларга, олди-қочди гапларга таяниб эмас, балки илмий асосланган фактларга таяниб иш тутади, бу эса унинг ижодини жиддий деб баҳолашга имкон беради.

⁴ С.Кинг. Мертвая зона. М., 1990, с.215.

¹ S.King. The Dead Zone, p.50.

² С.Кинг. Мертвая зона. М., 1990, с.59.

³ S.King. The Dead Zone. New York.1990. p.312.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. S. King. The Dead Zone. – New York, 1990. – 470 p.
2. С. Кинг. Мертвая зона. – М., 1990. – 243 с.
3. Иzzат Султон. Адабиёт назарияси. –Т;: Ўқитувчи, 1986. – 56 с.
4. Щерба Л.В. Опыт общей теории лексикографии. –М: Москва, 1974. – 265 с.
5. Гринев С.В. Введение в терминоведение. –М: Московский лицей, 1993. –309 с.
6. Караполов Н.Ю. Общая и русская идеография. – М: Москва, 1976, - 183 с.